

№ S/5 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Кайпова Малика Дауытбай қизи</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	9-13
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА	14-19
<i>Aminov Xurmatbek Baxram o'g'li</i> HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR	20-25
<i>Мустафоев Жонибек Аралбоевич</i> “ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	26-31
<i>Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li</i> O'ZBEKİSTON TARİXİY TARAQQIYOTNING ZAMONAVİY BOSQİCHIDA İJTİMOİY DAVLATNI SHAKLLANTIRİSHNING KONSTITUTSIYAVİY İSTİQBOLLARI	32-36
<i>Маҳмудон Эркин Асқаралиевич</i> АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРГОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР	37-45
<i>Назаров Комил Шамсуддинович</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ	46-51
<i>Mamajonov Rahimjon Akramovich</i> O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI	52-58

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Остонокулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жўма ўғли</i> ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАГЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	59-69
<i>Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich</i> DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF UZBEKISTAN	70-75
<i>Хамраев Джамишид Панжиевич</i> ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛANIШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ	76-81
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	82-91
<i>Axmedova Nazokat Zikirillo qizi</i> KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH USULLARI VA AFZALLIKLARI	92-97

<i>Саатмуротов Шоҳруҳ</i>	
МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i>	
АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121

<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i>	
DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAQATLARINING BOSHQARUV TAHLILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129

<i>Қодиров Азизжон Анварович</i>	
«COVID-19» ИНҚИРОЗИННИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i>	
JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145

<i>Raxmatova Xolidaxon Xolikovna</i>	
XOJA AHROR VALIYNING TINCHLIK, OSOYISHTALIK VA HAMJIHATLIKKA DOIR G'OVYALARI – BARQAROR TARAQQIYOT OMILI SIFATIDA	146-151

<i>Орзиеев Иқболжон</i>	
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157

<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA BAHS-MUNOZARALAR LARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israel Mukaddas Irgashevna</i>	
BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDA O'RGANISH USULLARI	166-172

<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i>	
A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178

<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i>	
ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184

<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i>	
O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189

<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i>	
OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIYAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abdusalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i>	
THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i>	
UMUMTA'LIM MAKTABLEARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i>	
KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i>	
XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i>	
PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIY RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIY TA'MINOTI	316-322

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Кадиров Лутфулло Халимович,
Қарши давлат университети таняч докторанти
E-mail: L.Qodirov@mail.ru

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш муаммолари билан боғлиқ жараёнларнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида мамлакатимиз тижорат банклари бошқарув тизимининг банклар молиявий фаолияти билан боғлиқ жараёнларга таъсири ўрганилган, бу борада мавжуд муаммо ва камчиликлар аниқланган. тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш муаммоларини бартараф этишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калитли сўзлар: молиявий бошқарув тизими, молиявий стратегия, молиявий сиёsat, молиявий ресурс, бошқарув тизими, банк тизими, бошқарув жараёни, молия бозори.

Kadirov Lutfullo Xalimovich,
Doctoral student of Karshi State University

PROBLEMS OF INCREASING THE EFFICIENCY OF THE FINANCIAL MANAGEMENT SYSTEM OF COMMERCIAL BANKS

Abstract. The article examines the theoretical and methodological foundations of the processes related to the problems of increasing the efficiency of the financial management system of commercial banks. In the course of the research, the influence of the management system of commercial banks of our country on the processes related to the financial activity of banks was studied, existing problems and shortcomings were identified in this regard. a scientific proposal and practical recommendations were formed to eliminate the problems of increasing the efficiency of the financial management system of commercial banks.

Key words: financial management system, financial strategy, financial policy, financial resource, management system, banking system, management process, financial market.

Кадиров Лутфулло Халимович,
Докторант Каршинского государственного университета

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ СИСТЕМЫ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Аннотация. В статье рассматриваются теоретико-методологические основы процессов, связанных с проблемами повышения эффективности системы финансового управления коммерческих банков. В ходе исследования было изучено влияние системы управления коммерческих банков нашей страны на процессы, связанные с финансовой деятельностью банков, выявлены существующие в связи с этим проблемы и недостатки. сформированы научное предложение и практические рекомендации по

устранению проблем повышения эффективности системы финансового управления коммерческих банков..

Ключевые слова: система финансового менеджмента, финансовая стратегия, финансовая политика, финансовый ресурс, система управления, банковская система, процесс управления, финансовый рынок.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N16>

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлик ва ликвидликни шакллантириш сиёсатини таҳлил қилиш орқали молиявий барқарорлик ва ликвидликни оптималлаштириш билан боғлиқ банк стратегиясини ишлаб чиқишина тақозо этади. Тижорат банкларининг молиявий сиёсати доирасида шакллантирилган тегишли стратегияда молиявий ресурсларни шакллантириш ва жойлаштириш, молиявий ресурсларни жалб қилиш ва ўзгартириш бўйича фаолиятининг умумий йўналишлари акс этади. Молиявий стратегия молия бозорини ҳар томонлама ўрганиш, молиявий жараёнларни мувофиқлаштириш жараёнини амалга оширишни мониторинг қилиш ва унинг сифатини баҳолаш билан бирга банкнинг бўлинмалари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш учун хизмат қиласди. Тижорат банклари молиявий стратегиясини шакллантиришда мамлакатнинг банк тизими ва тижорат банкларининг молиявий ресурсларни бошқариш тажрибаси ҳисобга олиниши керак. Шунингдек, тижорат банклари ликвидликни бошқариш жараёнида маблағларни риск хавфи юқори бўлмаган тармоқ ва соҳаларга нисбатан йўналтириш, активлар таркибини таҳлил қилиш орқали уларни жойлаштиришнинг ишончли ва даромад даражаси бўйича энг мақбул тузилмага жойлаштиришга боғлиқ.

Ўз навбатида тижорат банклари молиявий бошқарув тизими банкларнинг молиявий сиёсатига доир мақсадларни самарали ижросини таъминлаш учун хизмат қилас-да, глобаллашув жараёнлари билан тавсифланадиган молия бозорида молиявий институтлар таъсир кўлами ўзгарувчан аҳамият касб этишига эътибор бериш лозим. Айниқса, молиявий бозорнинг энг йирик иштирокчилари ҳисобланган тижорат банкларининг узоқ муддатли молиявий сиёсатида сезиларли ўзгаришларнинг рўй бериши рақобатдошлиқ устунликлари билан боғлиқ омиллардан самарали фойдаланишга имкон беради. Бу бошқарув жараёнига таъсир кўрсатувчи риск омиларини ҳисобга олган ҳолда уларни бошқариш тизими ва алгоритмларини ишлаб чиқишина талаб этади. Мазкур алгоритм бошқарув тизимида жорий ва истиқболли риск омиларини гурухлаш, риск даражаси чегараларини аниқлаш орқали рискдан кўрилиши мумкин бўлган молиявий йўқотишлар ҳажмини олдиндан аниқлаш имкониятини беради.

Молиявий глобаллашув таъсирида тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ортиб боради. Бунга асосий сабаб рақобат муҳити ҳисобланиб, тижорат банклари рақобат муҳитида мослашувчан молиявий сиёсатни амалга оширишга мажбур бўладилар.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини 27-мақсадида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация

жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушкини 60 фоизгача етказиш[1] билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши чора тадбирларнинг белгиланганлиги тижорат банкларнинг барқарор молиявий ҳолатини ривожланиш моделини шакллантириш ва стратегик бошқарувнинг маҳсус воситалари орқали тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш муаммоларига йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишни долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини оширишга доир тадқиқотлар, ижтимоий-иқтисодий тизим шароитига мувофиқ молия муносабатларини амал қилиш механизмини шакллантириш ва уни такомиллашув жараёнлари билан билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнга нисбатан тизимли тадқиқотлар А.В.Смирнов тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллайди. Тадқиқот жараёнида ижтимоий-иқтисодий тизим шароитларига мувофиқ банк ресурсларини бошқаришда бошқарув ҳисоби усусларини қўллаш, стратегик режалаштириш жараёнларини синтез қилиш орқали молиявий бошқарув жараёнини тизимлаштиришга эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади[2; Б. 44-52]. Л.Г.Батракова тадқиқотларида банк фаолиятининг молиявий натижалари билан пассив операциялар муаммосини ҳал қилишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш, шу жумладан депозит базаси барқарорлигини сақлаш ва узоқ муддатга ресурсларни ҳисоблаш, депозит жараёнини бозор шароитларига мувофиқлаштиришга устуворлик бериш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади[3; Б. 156-182]. Ю.Масленченков, В.Команов тадқиқотларида тижорат банкининг ўз капитали қийматини бошқариш стратегиясини шакллантиришда банк молиявий таҳлилини амалга оширишнинг анъанавий моделини автоматлаштириш, тижорат банкларининг молиявий сиёсатига мослаштирилган аналитик иловаларни шакллантириш тавсия этилади[4; Б. 93-94].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.З.Абдуллаева тадқиқотларида тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини оширишда банк активлари сифатини ошириш, валюта ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг даромадлилигини таъминлаш жараёнларига эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади[5; Б. 153-162]. М.У.Ахмедов тадқиқотлари давомида тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда банклари учун молиявий ресурсларни сақлаб туриш нисбатан бекарор молиявий муносабатлар, шунингдек банк ликвидлилигини сақлаб туришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин деган хулосага келади. Шунингдек, тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозит маблағлари ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш амалиётини ривожлантириш тавсия этилади[6; Б. 47-52]. М.М.Тожиевнинг илмий тадқиқот изланишларида банк рискларини бошқаришда уларнинг ликвидликларини таъминлашнинг мазмун моҳияти муҳокама қилинган бўлиб, ликвидлик мажбуриятларнинг муддатлари ва ҳажми бўйича ўзаро нисбатлар даражаси билан белгиланиши эътироф этилади[7; Б. 14-17]. Ж.Я.Нуриллаев, Б.О.Турсунов, Ш.С.Раимбердиевлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда тижорат банклари молиявий бошқарув тизимида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ жараёнларга устуворлик берилган бўлиб, инвестиция лойиҳаларини

молиялаштиришни кенгайтиришда молиялаштиришнинг тармоқ ва худудий муаммоларига алоҳида эътибор берилган[8; Б. 361-365].

Юқоридаги тадқиқотларда тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини оширишда банкларнинг капиталлашув даражасини ўрни ва уни ошириш механизми билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган бўлиб, самарадорликни оширишга нисбатан бозор омилларининг ўрни тадқиқ этилмаган.

Муҳокама. Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари молиявий барқарорлиги банк фаолият самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланиб, молиявий барқарорликни таъминлаш жараёни; банк капиталининг рентабеллик даражаси, рискларни бошқаришни банк бошқарув сифатига таъсири, банк активларининг сифати, ресурс базасининг сифати, банк хизматларини кўрсатиш сифати каби кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштиради. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашни асосий шартларидан бири банк капиталининг етарлилиги ёки капитал орқали амалга оширилаётган операциялар кўлами ва хусусиятлари билан характерланади. Банкнинг ўз капитали орқали амалга оширилаётган операциялари кўламининг ортиб бориши банк капиталини рентабеллик даражаси юқори бўлган фаолият соҳаларига йўналтириш имкониятини беради.

Замонавий шароитда тижорат банклари қўшимча маблағларни зудлик билан жалб қилиш мақсадида банклараро ресурс бозори имкониятларидан фойдаланади. Бу ерда тижорат банклари фоиз ҳисобига маълум пул маблағларини кредит ташкилотларидан жалб қилиш амалиётидан фойдаланадилар. Банклараро кредит операциялари амалиётда кўпинча молиявий воситачилар орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари фаолият билан боғлиқ муайян операцияларнинг тизимили ривожланиш жараёнлари банк активлар рентабеллигини таъминлаб беради. Мамлакатимизда 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк тизими бўйича активлар рентабеллиги (return on assets, ROA) ҳамда капитал рентабеллиги (return on equity, ROE) кўрсаткичлари мос равища 2,5 ва 13,3 фоизларни ташкил этган бўлса, соф фойда 10 трлн сўмга етди. Бу эса, ўз навбатида, 2021 йил кўрсаткичларидан мос равища 1,2 ва 7,2 фоиз бандга, соф фойда эса 6,1 трлн сўмга юқори бўлди. 2022 йилда соф фоизли ҳамда фоизсиз даромадлар (мос равища 4,9 ва 4,3 фоиз) ҳисобига банк тизими бўйича активлар рентабеллигини оширувчи, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар (-3,6 фоиз) ҳамда операцион харажатлар (-3,0 фоиз) эса пасайтирувчи омиллардан бўлди (1-расм)[9].

Мамлакатимизда тижорат банклари активлари рентабеллигига банк кредитлари салмоғи етакчи аҳамиятга эга. Ушбу жараённи банк молиявий операцияларининг қарийб 70 фоизини кредит билан боғлиқ молиявий операциялар салмоғига эга эканлиги орқали ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Сўнги йилларда мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш муаммолари асосан бозор омиллари ҳисобига ортиб бораётган бўлиб, ушбу муаммоларнинг тизимили ривожланиш хусусиятлари банк кредит диверсификацияни амалга оширишда кредит муддатларини ҳисобга олинмаганлиги таъсирида рўй бермоқда. Шунингдек, тижорат банкларида кредит қолдиғининг ва муаммоли кредитларни ўсиш суръатлари ўртасида кучсиз алоқа мавжуд бўлиб, кредит

қолдиғининг юқори даражадаги ўсиши кейинги даврларда активлар сифатига сезиларли таъсир күрсатиши мумкин.



1-расм. Банк тизимида активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичининг декомпозицияси, (фоизда)[9]

2022 йилда муаммоли кредитларнинг тармоқлар кесимида саноат соҳаси энг катта улушга эга. 2022 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича муаммоли кредитларнинг кредит қолдиғидаги улуши пасайиши кузатилган. Қишлоқ хўжалигида муаммоли кредитлар қолдиғининг 40 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда саноат тармоқларидағи муаммоли кредитлар қолдиғи мос равища 18 ва 15 фоизгача камайган (2-расм)[9].



2-расм. Тармоқлар бўйича муаммоли кредитларнинг тақсимланиши, (фоизда)[9]

Фикримизча, тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш жараёнида муаммоли кредитларнинг вужудга келиши ва ўз вақтида кредит маблағларининг қайтарилемаслиги тижорат банклари кредит портфелини нотўғри шакллантирилганлиги билан боғлиқ.

Тижорат банклари кредит портфелини шакллантиришда муаммоли кредитлар бўйича банкнинг яхлит кредит сиёсатини ташкил этиш, муаммоли кредитлар ҳажми ортиб бораётган кредит портфелини имтиёзлар ва вақт меъёри бўйича диверсификациялаш тизимини шакллантириш ҳисобига тижорат банкларининг молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мумкин.

Натижалар. Ўсиб бораётган муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятини истеъмол кредитлари бозорига боғлиқлигини кучайтиради. Бу ўз навбатида кредитларни марказлашув муаммоси билан боғлиқ жараённи юзага келтиради. Шунингдек, чакана кредитлаш ҳажмининг ортиши ҳисобига иқтисодиётнинг реал секторини инвестицион фаоллиги пасайиб кетишига сабаб бўлади. Аҳолини банк кредитлаш ҳажмининг жадал ўсиши унинг харид қобилиятини оширади ва бунинг натижасида турли товар ва хизматлар, шунингдек, кўчмас мулк бозори ҳажмини кенгайтиради. Банкларнинг кредит фаолиятининг ушбу соҳаси ички иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларини ривожлантириш имкониятини берса-да инфляцион жараёнларни ўсиш кўрсаткичларини юқори даражаси учун хизмат қилади.

Тижорат банклари томонидан муаммоли кредитларни олдини олишда кредитлаш жараёнини кечикитириш амалиётини кенг қўлланиши иқтисодиётининг реал ва молиявий сектори ўртасидаги турли хил номутаносибликларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда тижорат банклари молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоли жараёнлар кредит фаолияти билан боғлиқ бўлиб, кўплаб тижорат банклари томонидан муаммоли кредитларни қайтариш стратегияси шакллантирилмаганлиги, муаммоли кредитлар бўйича бошқарув тизимини ишлаб чиқилмаганлиги муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётига салбий таъсир кўрсатади. Бизнингча, муаммоли кредитлар билан ишлашнинг бошқарув тизими ҳар бир мижозга нисбатан индивидуал тарзда шакллантирилиб, бунда банк дуч келиши мумкин бўлган барча рисклар таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, қарздорнинг молиявий муаммолари вужудга келишини асосий йўналишларини ўрганиш орқали банк кредитларини қайтариш муддатларини қайтариш графикларини ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш талаб этилади. Муаммоли кредитларга қарши курашда кредит рискини бошқариш хавфи омилларини аниқлаш, уларнинг қийматини таҳлил қилиш ва ҳисоблаш механизмини яратиш орқали қарз олувчининг жорий ҳолатини баҳолаш ва кредит операциясини доимий назорат фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бу механизм банкдан кредит олувчининг молиявий аҳволи ва кредит битимининг ўзи билан боғлиқ хавф омилларини аниқлаш, кредит рискининг ҳажми ва муддатини белгилаш бўйича тегишли таклифлар тайёрлашни талаб этади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, банклар фаолиятида кредит рискларини бошқариш муаммоси жиддий молиявий муаммолардан бири эканлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, кредит рискини бошқаришни ташкил этишнинг зарур шартлари банк фаолиятида ваколатларни тўғри тақсимлаш, ишлаб чиқилган

лавозим йўриқномасига асосан кредитор тўғрисидаги маълумотларни узатишнинг мукаммал каналларини шакллантириш жараёнларига ҳам боғлиқ. Умуман олганда, банклар фаолиятида кредит рискларини бошқариш тизими стратегик бошқарув даражасида ва банкнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган аниқ тадбирлар тизими сифатида баҳоланади.

Хулоса. Фикримизча, тижорат банкларининг кредит таваккалчилигини бошқариш билан боғлиқ кенг қамровли банк амалиётини олиб боришда кредит рискини бошқаришнинг асосий чора-тадбирлари сифатида қуидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

1. Тижорат банклари доирасида мустақил кредит рискларини бошқариш сиёсатини шакллантириш. Мазкур сиёсат банк кредитлари билан боғлиқ риск жараёнларини олдини олиш, мавжуд риск даражасининг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олиши;

2. Банкларнинг молиявий операцияларини ўзига хос хусусиятлари ва мақсадли мижозлар сегментларини ҳисобга олган ҳолда йирик тижорат банкларининг илғор халқаро амалиёт талаблари ва тавсияларидан фойдаланган ҳолда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш;

3. Банкнинг жорий молиявий ҳолатини назорат қилиш ва ҳисбот тизимини ривожлантиришнинг баҳолаш усусларини ишлаб чиқиш;

Кредит портфелини муддатлар, тармоқлар, кредит ташкилотлари ва бошқалар бўйича диверсификация қилишни таъминлайдиган ички лимитлар тизимини ишлаб чиқиш орқали кредит рискини мониторинг қилиш тизимини яратиш, риски камайтириш, мумкин бўлган йўқотишлар миқдорини ва уларни банк тўлов қобилиятига таъсирини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони
2. Смирнов А.В. Управление ресурсами и финансово-аналитическая работа в коммерческом банке. — М.: "БДЦ-пресс", 2002. – 176 с.
3. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. М.:Логос, 2001. - 344 с.
4. Масленченков Ю, Команов В. Финансовый менеджмент банка: фундаментальный анализ и банковский продуктовый ряд. // Бизнес и банки. — № 48, 1995. 92-98 с.
5. Abdullayeva Sh.Z. Bank ishi. Darslik. "IQTISOD-MOLIYA". – Т.: TMI, 2017. – 732 b.
6. Ахмедов М. У. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини ошириш масалалари // Экономика и финансы (Узбекистан). 2011. №10. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/tizhorat-banklari-moliyaviy-bar-arorligini-taminlash-va-investitsion-faolligini-oshirish-masalalari> (дата обращения: 11.08.2023).
7. Тожиев М.М. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш риск бошқарувининг муҳим омили сифатида // Экономика и финансы (Узбекистан). 2018. №7. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/tizhorat-banklari-likvidligini-taminlash-risk-bosharuving-mu-im-omili-sifatida> (дата обращения: 11.08.2023).

8. Yarashevich Nurillayev, Jamoliddin, Bekmukhammad Omonovich Tursunov, and Samandar Sherzod ogli Raimberdiyev. "Evaluation of The Efficiency of Commercial Banks in Financing Investment Projects." The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems. 2021. <https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508135>
9. www.cbu.uz- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий ахборот сайти.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).